

УДК 633.11:631.53

КУЗГИ БЎҒДОЙ УРУҒЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**Бисенбай Бекбанов***қ.х.ф.н., к.и.ҳ.***Оракбай Нагиметов***қ.х.ф.н., к.и.ҳ.**Қорақалпоғистон дехқончилик илмий-тадқиқот институти***КИРИШ**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг муҳим соҳасидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва маҳсулотининг рақобат бардошлигини ҳар томонлама ошириш, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат, сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш асосий масалалардир.

Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, дехқончилик талабларига мос келадиган серҳосил нав ва дурагайлар яратишга, ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда.

Бўғдой – муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлиб, аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутди.

Амалиёт ва ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини кўрсатишича, тўғри ташкил этилган уруғчилик, сифатли уруғларни экиш, бўғдой ҳосилини анча оширади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Селекция ютуқларини тез ва катта майдонларга жорий қилишнинг асосий йўналиши, бу уруғчилик тизимини яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Донли экинлардан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш учун, тупроқ-иқлим шароитларининг ҳисобга олиб илмий асосланган ҳолда, минтақа шароитларига мос, барқарор ҳосил берадиган, дон сифат кўрсаткичлари юқори навларни танлаш ва жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда об-ҳаво ва иқлимни ўзгартириб бораётганлиги, республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос бошоқли дон экинларини серҳосил, эрта пишар, совуққа бардошли, шурга, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган навларни яратишни ва яратилган навларни бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш орқали, ғалла етиштирувчи хўжаликларни юқори авлодли, сифатли уруғликлар билан таъминлаш борасидаги илмий ишларни изшил давом эттиришни тақозо этади.

Аксарият йилларда Республиканинг шимолий ҳудудларида қишнинг ўта совуқ ва қуруқ келиши, ҳаво ҳароратининг – 30 С0 градусгача минимум

пасайиши натижасида, кузги бошоқли дон экинларининг сезиларли даражада нобуд бўлиши кузатилмоқда.

Ҳосилдорликнинг ҳар қандай ноқулай шароитда бир маромда бўлишлигини таъминлашга, биотик ва абиотик стрессларга чидамли бўлган навларни яратиш орқали эришиш мумкин.

Шунинг учун, республикамиз ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос серҳосил, эрта пишар, совуққа бардошли, дон сифати юқори бўлган “Арал” навини бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш орқали, юқори авлодли, сифатли уруғликлар таёрлаш ишларини амалга ошириш вазифаси мақсад этиб қўйилган.

Ўсимликнинг турли стрессларга жавоб бериши, мослаша олиши, яъни ўсимлик ўсиш давлари ва уларнинг давомийлиги унинг генетик имкониятига боғлиқдир [1].

Юқори ҳосил олиш учун фақат кўп мартаба суғориш ёки ўғит бериш эмас, балки айни иқлим-шароитига мос бўлган навни танлаш орқали ҳам эришиш мумкин [2].

Яхши навни экиш ҳисобига қўшимча ҳеч қандай меҳнатсиз, ортиқча сарф харажат қилмасдан ҳосилдорликни кескин кўтариш мумкин, [3]

Кузги бугдой навларини кишга чидамлик хусусияти жуда катта ахамиятга эга, чунки улар кишлаш пайтида жуда куп, айрим вақтларда бутунлай нобуд бўлиб кетади [4].

Материаллар ва услублар. Тажрибада, кузги бўғдойнинг “Арал” навинини иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорида 51 та ойла экилиб парваришланди.

Тажриба даласи эскидан суғорилиб келинаётган ўтлоқи-тупроқ, механик таркиби ўртача оғирликка эга бўлиб, айрим жойлари енгил таркибли. Тажриба даласининг шўрланиш даражаси ўртача. Ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 1,5-1,8 м.

Тажрибада барча технологик усуллар, минтақа бўйича қабул қилинган умумий агротехника асосида ўтказилди.

Тажриба даласида 2022-йил август ойида шўр ювиш ишлари олиб борилди. 26-27 август кунлари ер шудгор қилиниб, текисланди. Экиш эрта муддатда, яъни 2022 йили 28-август куни, гектарига 6,0 млн. унувчан уруғ ҳисобида экилди.

Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги шудгор остига гектарига P2O5 -80 кг, калий - 60 кг (соф ҳолда) солинди. Азотли ўғитлар билан туплаш, найчалаш, бошоқлаш давларида гектарига 210 кг (соф ҳолда) озиклантирилди. Суғориш, озиклантириш муддатлари асосида олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Ўсимликнинг ўсув даври ғалла экинларида, одатда, 2 даврга бўлинади: униб чиқиш бошоқлаш ва бошоқлаш-пишиш. Униб чиқиш–бошоқлаш даврининг давомийлиги навнинг асосан кўп миқдорда биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ташқи муҳит иқлим–шароити кичик

даражада аҳамиятга эга, бошоқлаш-пишиш даврида эса ташқи муҳит иқлим-шароити сезиларли даражада таъсир кўрсатади

Ўсимликларни бошоқлаш ва мум пишиш фазаларида, морфобиологик белгилар бўйича баҳоланиб борилди. Ўсимликларни гуллаш фазасида биринчи нав ўтоғи ва мум пишиш фазасида иккинчи нав ўтоғи ўтказилди.

Иккинчи йилги ойлаларни синаш кўчатзорида экилган ойлалар бошоқлаш фазасида ҳар тарафлама ўсимликларнинг кўриниши, бошоқлаш вақти, бошоқ ва ўсимлик барглари рақами, ҳамда бошқа кўрсаткичлари атрофлича баҳоланиб, 51 ойлдан ривожланишдан орқада қолган 4 та, бошқа хил ўсимликлар аралашган 2 та, бошоқлаш муддати бўйича 2 та ойла ва морфобиологик белгилари бўйича 1 та, ҳосилдорлик бўйича 1 та, жами 10 та ойла яки 19,0 фойз ойлалар яроқсиз юб топилиб, тажриба майдонидан ўриб чиқариб ташланди. Лаборатория таҳлили натижасида доннинг формаси бўйича 2 та, доннинг йириклиги бўйича 2 та ойла яроқсизга чиқарилиб, 37 ойла келгуси йил биринчи йилги уруғ кўпайтириш даласига экиш учун таёрлаб қўйилди.

Хўлосалар. Аралашган экин ёки навнинг кўпайиш коэффициенти, асосий навга нисбатан юқори бўлса, механик ифлосланиш кучаяди. Бу эса уруғларнинг навдорлик, экинбоплик, ҳосилдорлик сифатларини пасайишига, ҳосилдорликни камайишига олиб келади.

Совуқдан зиён кўрган усимликларнинг баҳорда ўйғониш вақти кеш бошланади. Буларнинг ҳаммаси албатта, ҳосил тўплаш жараёнига салбий таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аманов А., Зиядуллаев З., Аманов О., Узақов Ғ., Абдуазимов А. Кузги бошоқли дон экинлари уруғларини сифатли тайёрлаш, экиш ҳамда кузги парваришlash бўйича тавсиянома. “Насаф” – Қарши. 2014 йил. –17-21 Б.

2. Бекбанов Б.А. Озимая пшеница в Южном Приаралье. //Сельское хозяйство Узбекистана, 2004, № 8. С.15-18.

3. Губанов Я.В., Потеха Н.Г., Кузнецов И.А., Тарасенко Б.И., Носов П.В., Серебряков А.И. Агротехника озимой пшеницы. – М.: Колос 1987. –240 с.

4. Дроздов С.Н., Курец В.К., Будыкина Н.П., Балагурова Н.И. Определение устойчивости растений к заморозкам. – В сб. Методы оценки устойчивости растений к неблагоприятным условиям среды. Л.: «Колос» 1976, С.222-228.

5. Юнусов, М. М., Бахромова, Б. Х., & Мирзошарипова, М. Ш. (2022). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЧЎЛ, ТОҒ, АДирЛИКЛАРИДАГИ БИОТОПЛАРДА УЧРОВЧИ ЎРГИМЧАКЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(6), 223-229.

6. Мирзошарипова, М., & Ахмаджонова, С. Ш. (2022). ЎРГИМЧАККАНАНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(13), 707-711.

7. Mirzosharipova, M. S. (2023). TUYAQUSHLARNING KASALLIKLARI VA TUYAQUSHCHILIK SIRLARI. Solution of social problems in management and economy, 2(6), 70-73.

8. Ma, M. (2022). TUYAQUSHLARNING BIOEKOLOGIK XUSUSIYATLARINI O'ZIGA XOSLIGI. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(24), 317-323.